

Саҳиҳул Бухорийнинг мухтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 228-ҳадис

228 - 5688 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ: أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
يَقُولُ: «فِي الْحَبَّةِ السَّوْدَاءِ شِفَاءٌ مِنْ كُلِّ دَاءٍ، إِلَّا السَّامَ».

228- 5688. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Қора донда «сом»дан бошқа ҳар қандай дардга шифо бор**», деяётганларини эшитдим».

Ибн Шихоб айтади: «Сом» - ўлим, «қора дон» - шуниз (седана)».

Изоҳ: Ўша пайтларда седананинг «қора дон» («седана» сўзи ҳам форсча «сиёҳ дона» сўзидан олинган) деган номи камроқ қўлланиб, унинг форсчадан кирган «шуниз» деган номи кенгроқ тарқагани учун Ибн Шихоб Зухрий мазкур изоҳни қилган. Аммо кейинроқ уни «қора дон» дейиш урф бўлиб, бошқа номлари муомаладан чиқиб кетган. Ҳозирда ҳам шундай.

Манба: hadis.islom.uz

